

Биз Набий соллаллоҳу алайҳи васалламни яхши кўрамиз...



15:30 / 23.10.2021 2071

Улар Набий соллаллоҳу алайҳи васалламни таҳқирламоқчи бўлишади. Аллоҳ таоло бўлса: **“Ва сенинг зикрингни юқори кўтармадикми?”** дея марҳамат қилади. (Шарҳ сураси, 4-оят).

Улар Набий соллаллоҳу алайҳи васалламни орти кесик бўлиб, ишини давом этмаслигини, вафотидан сўнг ҳамманинг ёдидан чиқишини хоҳлашади. Аллоҳ таоло бўлса: **“Албатта, сени ёмон кўриб айбловчининг ўзининг орқаси кесик”**, дея марҳамат қилади. (Кавсар сураси, 3-оят).

-Улар Набий соллаллоҳу алайҳи васалламни ёмон кўришади.

-Биз Набий соллаллоҳу алайҳи васалламни яхши кўрамиз.

-Улар Набий соллаллоҳу алайҳи васалламни ҳақорат қилишади.

-Биз Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга саловот ва саломлар айтамыз.

-Аллоҳим, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламни ҳақорат қилаётганларни барчасини Сенга топширамыз!

-Аллоҳим, саййидимиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга саловот, салом ва баракотингни насиб эт!

-Аллоҳим, қиёмат куни у зотни шафоатларига эриштиргин ва жаннатда ёнларида бўлишни насиб этгин!